

“Ўз ММИ” ДМ
директорининг
2022 йил “___” _____ даги
_____ -сон буйруғига
4-илова

**“Ўзбекистон миллий метрология институти” ДМнинг худудий
филиалларда коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс
назорати хизмати вазифаларини бажариш юклатилган масъул
ходимнинг
ЙЎРИҚНОМАСИ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу йўриқнома “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассаси (кейинги ўринларда институт деб аталади) худудий филиалларида коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс нazorати хизмати бўйича масъул шахснинг лавозим мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс нazorати хизмати бўйича масъул шахс лавозимига олий маълумотли, институт тизимида иш стажига эга мутахассис “ЎзММИ” ДМ филиал бошлиғининг буйруғи билан тайинланади.

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс нazorати хизмати бўйича масъул шахс филиал бошлиғига бўйсунди.

2. МАЖБУРИЯТЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс нazorати хизмати бўйича масъул шахс мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, институтининг филиали ички норматив ҳужжатлари ва тартиб қоидаларига риоя этиш;

Институт филиалининг Ҳайъати қарорлари, институти филиали бошлиғининг буйруқларини, топшириқларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

Институт филиалининг коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тизимини мониторинг қилиш, Институт филиалининг тайёрланган ҳисоботларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва йиғма ҳисоботларни институтга тақдим этиш ;

Институт филиали комплаенс нazorат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган йўл хариталари ҳамда чора-тадбирларнинг бажарилиши нazorатини амалга ошириш ва маълумотлар тайёрлаш ва институтга тақдим этиш;

Институт филиалида коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга,

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда “ЎзММИ”ДМ филиал ички норматив ҳужжатлари талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Институт филиали коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган йўналишларни, коррупция ҳолатларининг содир этилишига имкон яратадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Институт филиали ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички норматив ҳужжатлар талаблари бузилганлиги ҳақида маълумотлар ёхуд ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан эътирозлар ва мурожаатлар, аноним кўринишдаги хабарлар келиб тушганда хизмат текширувларини ўтказиш;

коррупцияга қарши комплаенс назорат жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан филиалга берилган бажарилиши мажбурий кўрсатмалар ижросини назорат қилиш ва маълумотлар тайёрлаш ва институтга тақдим этиш;

комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиётни доимий равишда ўрганиш, натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

идоравий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Институт филиали режаларига таклифлар киритиш ва ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Институт филиалининг бошлиғи топшириғига кўра бошқа вазифаларни амалга ошириш;

филиалда иш юритишни амалга ошириш;

3. ФУНКЦИЯЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бўйича масъул шахснинг функциялари:

Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига риоя этиш;

“Техник жихатдан тартибга солиш” агентлиги қарорларига риоя этиш;

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларини, “Техник жихатдан тартибга солиш” агентлиги фаолиятининг йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларининг ижросини таъминлаш;

хат, баённома, битимларни, маълумотларни тузиш тартибини ва иш юритиш асосларини амалга ошириш.

4. ҲУҚУҚЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бўйича масъул шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизмат фаолиятига тегишли зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, шу жумладан статистика ва бошқа маълумотларни, ҳисоботларни ва таҳлилий материалларни, бухгалтерия ва банк ҳужжатларини, ходимлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш;

коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратни амалга оширишга оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек Институт филиалининг ҳужжат ва топшириқларини бажарилиши юзасидан филиал фаолиятини белгиланган тартибда мониторинг қилиш, текшириш ва ўрганиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалаларига ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратни амалга оширишга оид қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан таклифлар бериш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва йиғилишларда катнашиш, хорижий тажрибани ўрганишга бориш.

5. ЖАВОБГАРЛИГИ

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бўйича масъул шахс унга юкланган вазифаларни, режали топшириқларни ўз вақтида бажаришга, ички тартиб қоидаларга, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомига, техника ҳавфсизлигига амал қилишга, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғинга қарши ҳавфсизликга жавобгар.

6. ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бўйича масъул шахс ушбу Лавозим йўриқномасига биноан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун ўз ваколати доирасида Институт бош мутахассиси билан ҳамкорлик қилади.